

Ортимдан юр

Үқув қўлланма

Биринчи нашр, январ 2013

Тим Грин

Буюк Британия Бирлашган Қироллигиде, Lulu.com иштирокида 2013-йил чоп этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари © Tim Green 2013. Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.

Үқувчилар фотонусха ёки электрон йўли орқали ушбу қўлланмадан иккита дарсгача чекланмаган миқдорда қайта чиқаришлари мумкин. Иккитадан ортиқ дарсни қайта чиқариш ёки тўлиқ курснинг pdf форматига эга бўлиш учун рўйхатдан ўтишни истаганлардан comefollowmecourse@gmail.com га ёзиб, муаллиф билан боғланишни сўраймиз.

Каломда ёзилган барча парчалар, агар белгиланмаган бўлса, Шарқ халқлари учун маҳсус таржима қилинган Муқаддас Китобдан олинган. © 2003, 2009, 2013 IMB-ERTP ва Biblica Inc. ®. Барча ҳуқуқлар ҳамма жойда ҳимоя қилинади.

ISBN 978-1-291-41136-2

*Исо Macuχда янги ҳаёт қуришни мақсад қилган, тушунишни истамай,
ҳақиқатни рад этиб келган оиласари ва эски қадрдонлари ҳақида ғамхұрлық
қилишни давом әттирган ҳолда Macuχ жамоатида ўз ўрнини топишига
интилгандарга бағишиланади.*

Ушбу мурожаатни ўқиши билан бошлишингизни илтимос қиласиз.

“Ортимдан юр” курси Исо Масихга эргаша бошлаганларга мўлжалланган. Ушбу курсдан кўзланган мақсад – уларга ўз имонида ўсишга ва Масих жамоатида мустаҳкам ўрнашишга ёрдам бериш.

Ушбу курсни мустақил равишда ўрганмаслигингизни сўраймиз – бу сизга катта наф олиб келмайди. Бунинг ўрнига Масихга эргашган ва сизга мураббий сифатида ёрдам бера оладиган, билими ўткир бир одамни топинг. Уйда ўрганилган ҳар бир дарсдан кейин мураббий билан учрашинг. Дарсдан билиб олганларингизни ва бу билимларни амалда қандай қўллай олишингизни бирга муҳокама қилинглар. Ҳаётингиздаги муаммолар ҳақида мураббийингиздан маслаҳат сўранг. Сизлар бирга ибодат қилиб, Исо Масихда бир-бирингизга далда беришингиз мумкин.

Ушбу курс гуруҳда, бошқа имонлилар билан бирга ўтилса, бу сиз учун янада фойдалироқ бўлади.

Агар сиз “Ортимдан юр” дарслигини ишлатаётган мураббий бўлсангиз, бу ҳолда Мураббий учун қўлланма топишингизни сўраймиз. Унда ушбу курс бўйича қандай иш олиб бориш лозимлиги тушунтирилади. Шунингдек, қўлланма шогирд орттириш ва гуруҳда баҳс-мунозаралар олиб бориш бўйича асосий принципларни ўз ичига олади. “Маданиятларга оид йўл-йўриқлар” сизга ушбу курсга киритилган мавзуларни тушунишга ёрдам беради. Ҳар бир дарс бўйича муҳокама учун батафсил саволлар тақдим этилади. Шу тариқа, Мураббий учун қўлланма сизга кўп фойда келтириши мумкин. Қуйида келтирилган электрон манзилга сўров юбориб, pdf форматида бериладиган курсни бепул юклаб олишингиз ёки www.lulu.com/shop/tim-green/come-follow-me-advisors-guide/paperback/product-21409862.html сайтидан қофозда чоп этилган шаклда сотиб олишингиз мумкин.

Ушбу курснинг фойдали томонлари ва шунингдек, уни такомиллаштиришга оид фикр ва таклифларингизни юборишингизни сўрайман. Ушбу қўлланманинг охирги саҳифасида берилган баҳолаш саволларидан фойдаланинг ёки ўз сўзларингиз билан ёзинг. Шунингдек, кейинги, шунга ўхшаш курслар ҳақида маълумот олиш учун мен билан боғланишингиз мумкин. Сизда яхши материаллар (интернет тармоғидан олиш мумкин бўлган ёки аудио, видео форматида) бўйича таклифлар бўлса, мен билан боғланишингизни сўрайман.

Ҳар қандай таклиф қабул қилинади.

Ташаккур!

Тим Грин

comefollowmecourse@gmail.com

Ортимдан юр

Ўқув қўлланма

МУНДАРИЖА

Ўқувчи учун қўлланма

Бўлимлар


	Бет
1 Масиҳга шогирд бўлиб.....	8
2 Масиҳда янги ҳаёт.....	17
3 Ота Худо.....	26
4 Масиҳга Унинг Руҳи қудрати билан бўйсуниш.....	35
5 Худо билан қандай гаплашиш.....	44
6 Худонинг биз учун Каломи.....	53
7 Масиҳ жамоатининг аъзолари.....	62
8 Икки жамият аъзолари.....	71
9 Қувғинларнинг сабаблари.....	79
10 Ҳақоратларга ва қувғинларга қандай жавоб бериш.....	87
11 Эр-хотинлар.....	96
12 Низоларни бартараф этиш.....	106
13 Гувоҳлик бериш.....	117
14 Сувга чўмиш маросими.....	127
15 Тўғри йўл.....	136
16 Севги қонуни.....	145
17 Рўза ва хайр-эҳсон.....	154
18 Тақдир ва афсунгарлик.....	164
19 Бир-бирига хизмат қилиш.....	175
20 Самога зиёратимиз.....	185
Илова: Ушбу курс давомида ёд олиш учун берилган ояtlар	
1-илова Худо билан ўтказадиган ҳар кунги вақтим.....	195
2-илова Худога қандай эришиш.....	198
Фикр ва мулоҳазалар, изоҳлар.....	201



Үқувчи учун кўрсатма

1**Хуш келибсиз!**

Ушбу курс сизга Раббий Исо Масиҳга кун сайин эргашиб борища ёрдам беради. Мен сизга мураббийлик қиласман, бу ерда эса сизга кўрсатмалар берилади, улар сизга ушбу курсдан наф олишга ёрдам беради.

**2**

Ушбу курсни мустақил равища ўрганманг, бу сизга катта наф олиб келмайди. Масиҳга эргашган ва сизга мураббий сифатида ёрдам берадиган, билими ўткир одамни топишингизни сўраган бўлар эдик. Уйда ўрганилган ҳар бир дарсдан кейин мураббий билан учрашинг. Худди шу мақсадда, сиз сингари, ушбу курсни ўтаётган одамлар билан учрашиб туришни йўлга кўйсангиз, яна ҳам яхши бўлади.

3

Ва энг муҳими – ушбу дарсларни ҳар куни амалда қўллаб боринг! Ҳар бир дарс сиз ҳафта давомида бажаришингиз керак бўлган “Амалий топшириқлар” ни ўз ичига олади.

1. Ҳар бир саволни диққат билан ўқинг.
2. Қолдирилган бўш жойларга ўз жавобингизни ёзинг ёки белги қўйинг [✓].
3. Жавобни ёзганингиздан кейин дарс охирида берилган жавобларга қараб, текшириб кўришингиз мумкин.
4. Дарс бажарилгач, асосий бандларни такрорлаш учун дарсни қайтадан кўриб чиқинг.
5. Айрим саволларда муҳокама вақтида шахсий фикрни билдириш талаб этилади. Ўхшаш саволларга жавоб берганингизга ва уларни муҳокама қилишга тайёрлигингизга ишонч ҳосил қилинг.
6. Дастлабки бешта дарс учун сизга фақат мана шу ўқув қўлланманинг ўзи керак бўлади. Олтинчи дарсдан бошлаб, сизда қўлланмадан ташқари шахсий Муқаддас Китоб нусхасидан фойдаланишга эҳтиёж туғилади. Ушбу курс давомида биз асосан Шарқ халқлари учун махсус таржима қилинган Муқаддас Китобдан фойдаланамиз, лекин сиз бошқа таржимадан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Муқаддас Китоб қўп тилларга таржима қилинган бўлсада, уларнинг ҳаммасига битта асл нусха ягона манба бўлиб хизмат қиласми.



7. Бутун дунёда келиб чиқиши худди сизга ўхшаш бўлган, Исо Масиҳнинг издошлари жуда кўпчиликни ташкил қиласди. Уларнинг айримлари ўқимишли, бошқалари аксинча. Ушбу курс оддий тилда ёзилган бўлиб, ҳатто билим даражаси кўп чуқур бўлмаган одамлар ҳам уни тушуна олади. Сизга, эҳтимол, таълим беришнинг бундай усули бир мунча соддароқдек кўриниши мумкин, бироқ ҳамма гап сизнинг бу ерда ёзилган ҳақиқатларга ҳаётда амал қилишингиз ёки қилмаслигингизда. Худо учун муҳимроғи сизнинг билим даражангиз эмас, балки қай даражада Унга итоат қилишингиздир. Агар бу таълимотга қулоқ солиб, амал қилсангиз, бундан фойда топасиз.
8. Эсда тутинг, мураббийингиз ўзининг вақтини аямай сизга ёрдам беряпти. Бу одамга ҳурмат-эҳтиромда бўлиб, муҳокама учун учрашувларга ўз вақтида етиб келинг, уйга вазифаларни ҳам тўла-текис бажариб боринг.

Энди, келинг, Худодан мадад сўраб, машғулотимизни бошлайлик!



1-ДАРС

Масихга шогирд бўлиб



Хаётимиз маъноси

Икки киши мунозара қиляпти. Бири шеригига шундай дейди: “Худо мени Унинг амрларига бўйсуниб, итоат қилиб яшашим учун яратган деб ўйлайман. Менга тўғри йўл кўрсатиш учун У Ўз пайғамбарларини юборди. Агар Унинг кўрсатган йўлидан юрсам, ишончим комилки, Худо гуноҳларимни кечиради ва мени жаннатга киритади. Ҳаётимнинг маъноси хам шунда” – дейди.

Шериги шундай жавоб беради: “Мен ҳам Худонинг амрларига итоат қилиб яшашни хоҳлайман. Лекин Худо мени жаҳаннам ўтига ташлашидан қўрқмайман, чунки У барча гуноҳларимни кечирган ва менга жаннатини ваъда қилган. Шу тариқа, то бу дунёда яшар эканман, Уни шахсан таниб-билиш, Унинг севгисини ҳис қилиш ва бу севгига жавобан, муҳаббатимни Унга изҳор этиш менга қувонч бағишлайди. Унинг учун яшашни, ҳар бир қунимнинг, ҳар бир лаҳзасини Унга бағишлашни хоҳлайман. Ҳаётимнинг маъноси мана шунда”.

Мулоҳаза учун: Бу ерда қайси кишининг
фикрига қўшиласиз? Ёки ҳаётингиз маъноси
бўла оладиган бошқа нарса бор деб
ҳисоблайсизми? Ҳаётингизнинг маъноси
нима?



- 1 Ҳаёт ҳақида мuloҳазалар оғир юкка айланиши мумкин. Бизни бугунги муаммоларимиз ва келажак ҳақида ташвишлар қийнайди. Муқаддас Китоб (Инжил) да Раббимиз Исо Масихнинг берган ажойиб ваъдасини топамиз, бу ваъда барчамизга тааллукли:

“Эй ҳолдан тойғанлар, оғир юқ остида қолғанлар, ҳаммаларингиз Менинг олдимга келинглар! Мен сизларга ором бераман”.

Матто 11:28

Исо Масиҳ бу сўзлар билан шахсан сизга мурожаат этаётганини тасавур қилинг! Бу сўзларни, то ёдлаб олмагунингизча такрорланг. Сўнг, қуйида бўш колдирилган жойларни тўлдиринг:

“Эй _____, _____, _____, ҳаммаларингиз
Менинг олдимга келинглар! Мен сизларга ором бераман”.

- 2 Раббимиз Исо бу сўзларни бу дунёда бўлган вақтида айтди. У одамларни Унинг ортидан юришга чақирган. Айримлар Унинг чақириғига жавоб бериб, хурсанд бўлиб, Унга эргашишди. Бошқалар Уни рад этди. Масих бугун ҳам тирик, У ҳозир ҳам бизни таклиф қилмоқда.

У нима дейди? Менинг _____ .

Менинг ортимдан юр

Исо Масихга шогирд бўлиб

- 3 Келинг, қандай қилиб Исо Масихга шогирд бўлиш мумкинлигини билиб олайлик? Биз Шимўн исмли балиқчининг қилган ишидан ўrnак олишимиз мумкин, у Масихга энг биринчи бўлиб эргашганлардан бири ҳисобланади. Келинг бу ҳақда Муқаддас Китобдан ўқийлик:

Бир куни Исо Жалила қўли бўйида турганда, оломон Худонинг сўзини эшитиш учун Исонинг ёнида тирбанд бўлди. Исо қўл қирғоғида турган икки қайиқни кўрди. Балиқчилар қайиқдан чиқиб, тўрларини юваётган эдилар. Қайиқлардан бири Шимўнники* эди. Исо Шимўннинг қайиғига тушиб, қирғоқдан бир оз нарироқ сузиб боришни илтимос қилди. Сўнг ўтириб, ўша ердан одамларга таълим берди.

Исо гапини тугатиб, Шимўнга деди:

— Чуқурроқ ерга сузиб бориб, ўлжа учун тўрларингизни ташланглар.

Шимўн Исога шундай деди:

— Устоз, биз тун бўйи астойдил ҳаракат қилдик, лекин ҳеч нарса тутолмадик.

Аммо Сиз айтганингиз учун тўр ташлаймиз. Улар тўр ташлаганларида, шу қадар кўп балиқ овладиларки, ҳатто тўрлари йиртила бошлади. Улар бошқа қайиқдаги ўртоқларига, ёрдам беринглар, деб ишора қилдилар. Қайиқлар етиб келгач, иккала қайиқни ҳам балиқقا тўлдирдилар, қайиқлар сувга бота бошлади.

Шимўн буни кўрди-да, Исонинг олдида тиз чўкиб деди:

— Ҳазрат! Менинг ёнимдан кетинг, чунки мен гуноҳкор инсонман.

Шимўн ва ёнидагилар бундай мўл балиқ овидан ҳайратга тушган эдилар.

Шимўннинг шериклари Забадиё ўғиллари Ёкуб билан Юҳанно ҳам ҳайратда эдилар.

Исо Шимўнга деди:

— Кўрқма, бундан буён сен инсонларни овлайсан.

Улар қайиқларини қирғоққа тортдилар ва ҳамма нарсаларини қолдириб, Исога эргашдилар.

Муқаддас Китоб, Луқо 5:1-11.



Ушбу парчани бошдан охиригача ўқиб чиқсан бўлсангиз, мана бу ерга □ галочка (✓) кўйинг ва дарсни давом эттиринг.

- 4 Исонинг шогирди бўлиш учун Шимўн тўрт қадамни босган кўринади. Бугунги кунда ҳам одамлар Раббий Исо Масиҳнинг шогирди бўлиш учун айнан ўша тўрт қадамни босиб келмоқда. Келинг, ушбу қадамларни ўрганайлик.

Биринчи қадам: Гуноҳдан воз кечиш.

Шимўн балиқ билан боғлиқ мўъжизага гувоҳ бўлгач, унинг кўзи очилди. У Раббий Исо Масиҳнинг муқаддаслигини ва бунга қарама-қарши равища, ўзининг гуноҳкорлигини тан олди. Шимўн Исога нима деди? “Ҳазрат! Менинг ёнимдан кетинг, чунки мен _____”. (юқорида келтирилган парчанинг охирги абзацига қаранг).

- 5 Шимўн ўзининг “гуноҳкор инсон” эканлигини тан олди. У ҳеч кимнинг қонини тўкмаган, хотинига хиёнат қилмагандир эҳтимол, лекин Исо унинг хаёлу юрагидаги ниятларини кўра олган. Шимўн ўзининг уятли сирларини ёки ёвуз ниятларини Раббий Исодан пинҳон сақлай олмасди.

Сизда-чи? Ошкора қилинса агар, уядан ўзингизни қўярга жой тополмайдиган даражада яширин сирлар борми? Бу сирларни қўшниларингиздан ёки оиласиздан яшира оларсиз балки, лекин Исо Масиҳдан яшира олмайсиз. Шифокор рентген аппаратида олинган суратда танангиздаги ҳар бир суюкни қанчалик аниқ ва равshan кўра олгани каби, Исо ҳам ҳаётингиздаги ҳар бир яширин ёвузыликни шундай аниқ кўриб туради!

➤ **Тўхтанг ва Исо Масиҳдан ҳаётингизнинг қоронғу томонларини сизга кўрсатишни сўранг.**

- 6 Аслида ҳар бир одам гуноҳга булғанган. Шу дамда шоир Умар Хайёмнинг сўзлари ёдга келади:

“Гуноҳ булғамаган борми ҳеч кимса? Айт Ўзинг.
Гуноҳсиз бўлдикми биз, Раббий? Айт Ўзинг
Ёвузлик қилсам агар, жазо муқаррар,
Демак, йўқ экан-да фарқ орамизда. Айт Ўзинг!”

Ҳеч бир одам ўзининг гуноҳларини Худодан яшира оладими? [Ҳа / Йўқ]
(тўғри жавобни тагига чизинг)

7. Илгари сизга Худо ўзини поклаган одамларни яхши қўриши, ёмон иш қилганлардан нафратланиши ҳақида ўргатишган. Бироқ Исо мутлақ пок Зот бўла туриб, гуноҳкор инсон бўлган Шимўндан нафратландими?
Ажабланарлиси шуки, Исо ундан нафратланмади! Исо Шимўнга нима деди?
(учинчи савол ёзилган парчага қаранг ва тўғри жавобни белгиланг).

- a) “Йўқол олдимдан!”
— b) “Кўрқма”




8. Шимўн Исонинг: “Кўрқма” деганини эшитиб, ўзини жуда енгил ҳис қилгани шубҳасиз. Агар сиз худди Шимўн сингари, гуноҳкор инсон эканлигингизни англасангиз, тушкунликка тушманг. Исо Масих сизни кечиришга ва тўлиқ поклашга тайёр!

Ушбу, бир-бирига мутлақ тескари бўлган икки одамга қаранг:



Исо Масих бу ерда иккисидан қайси бирини поклайди, ўзини мағрур тутган Темурни мактабадан ёки камтарин Алиними? _____

9 Раббий Исо: “Мен ... гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман” дейди (Луқо 5:32). “Тавба қилмоқ” деган иборанинг асл мазмуни ўгирилиш ва тескари томонга юриш маъносини беради. Расмда кўрсатилган иккала одамга қаранг:



а) Иккаласидан қайси бири тавба қилди, 1-расмдагими ёки 2-расмдагими? _____

б) Иккаласидан қайси бири эски йўлидан юришни давом эттироқда, 1-расмдагими ёки 2-расмдагими? _____

10 “Тавба қилмоқ” бу шунчаки гуноҳлар учун пушаймон бўлиш дегани эмас. Бу биз гуноҳдан тамомила юз ўгиришимизни, худди 2-расмдаги одамга ўхшаб, йўлимиздан қайтишимиз кераклигини англаатади. Демак, чиндан тавба қилинганликнинг далолати нимада намоён бўлади? (жавоблардан бирини белгиланг)

- а) гуноҳ билан булғанган ҳаёт ҳақида пушаймон бўлмасликда;
- б) қилинган гуноҳлар учун пушаймон бўлиб ҳам, ҳаёт тарзини ўзгартирасликда;
- в) гуноҳдан тамомила юз ўтирган ҳолда, ҳаёт тарзини ўзгартиришда.



- 11 Шимўннинг Исога шогирд бўлиш йўлида босган дастлабки қадами нимадан иборат бўлган? _____ юз ўгиришдан.

Иккинчи қадам: Баҳосини тушуниш

- 12 Шимўннинг кейинги қадами Масиҳга эргашишнинг баҳосини тушуниш бўлди. Шимўн қийин танлов олдида турган. Уни иккита фикр ўйлантирган бўлиши мумкин:

*Агар Масиҳга эргашсам,
гуноҳларим кечирилади,
юрагимга тинчлик
топаман, Худонинг
жаннат ҳақида берган
ваъдаси менда ушалади.
Худони шахсан таниб
биламан ва Унга хизмат
қиласман.*

*Бироқ, Масиҳга эргашсам,
ўзимни хавф-хатарларга
тутиб беришимга ва қўп
нарсадан воз кечишмга
тўғри келади: балиқчиликдан,
эски, гуноҳли ҳаётдан ва
эҳтимол, ҳатто оиласдан
ҳам воз кечишмга тўғри
келар!*



Шимўн нимани тушуниб етди? Масиҳга эргашишнинг _____.

- 13 Исо Масиҳ масалларининг бирида Унинг ортидан эргашишнинг баҳоси қанчалик қиммат бўлиши мумкинлигини кўрсатди:

Осмон Шоҳлиги нодир марварид излаётган бир савдогарга ўхшайди.
Савдогар қимматбаҳо марваридни топганда, бор-йўғини сотиб,
марваридни харид қилиби

(Матто 13:45,46)



Исога эргашиш учун воз кечишингизга тўғри келиши мумкин бўладиган энг қимматли нарсани қўрсатинг.

Куйидаги вариантлардан биттасини ёки бир нечтасини белгиланг: (*шахсан сизга тааллуқлisisини*)

- а) жамиятда эгалланган обрў-эътибор
- б) иш ёки бизнес
- в) оила
- г) ўзингизга тегишли мол-мулк ёки мерос
- д) бошқа нарсалар (*ўзингиз билган жавоб вариантини ёзинг*) _____

14 Бироқ “Қимматбаҳо марварид” бунга арзиди! Шундай экан, Масиҳ учун нимани қурбон қилмайлик, шуни эсда тутингки, У биз учун хочда бунданда катта қурбонлик келтирган!

Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимиизда, Масиҳ биз учун ўлди. Шу йўсинда Худо бизга бўлган Ўз меҳр-муҳаббатини намоён қилди
(Римликларга 5:8).

Шундай экан, ким каттароқ баҳо тўлади: бизми ёки Масиҳми?

9-10 дарсларда Исо Масиҳ қувғинлар вақтида бизга қандай ёрдам бериши ҳақида тушунтирилади.

Учинчи қадам: Масиҳга ишониш

15 Масиҳга шогирд бўлиш учун Шимўнга биринчидан гуноҳдан воз кечишига, иккинчидан эса Масиҳга эргашишнинг баҳосини тушуниб етишга тўғри келди. Энди навбат учинчи қадамга: Масиҳга ишониш.

Учинчи саволга келиб биз яна юқорида келтирилган парчадаги охирги гапни ўқиймиз. Шимўн ва унинг дўстлари Исонинг чақиравига жавобан нима қилишди? (*бўш жойларни тўлдиринг*).

“Улар қайиқларини қирғоққа тортдилар ва ҳамма нарсаларини _____, Исога _____.”

16 Шимўн ўзининг янги йўлбошчиси Исога тўлиқ ишонч билдириди. Биз кундалик ҳаётда ўзга одамга қандай қилиб ишонч билдирамиз? Куйида бунга бир нечта мисоллар келтирилади:

- ✓ **Толиққан бола**, отаси уни қўлига олиши ва кўтариб бориши учун, отасига қўлларини узатади ва бу билан унга ишонч билдиради.
- ✓ **Бемор** дори қабул қилиб, бу билан шифокорга ишонч билдиради.
- ✓ **Йўловчи** хатарли сафар олдидан автобус ҳайдовчисига ишонч билдиради.



Худди отасига қўл узатган бола, шифокор қабулидаги бемор ёки автобусга чиққан йўловчи каби, биз ҳам ўзимизни Исога бағишлишимиз ва бу билан Унга бўлган ишончимизни билдиришимиз мумкин. Биз Унинг бизни ҳимоя қилиши ва етаклашига ишонамиз. Биз Уни Шоҳ ўрнида кўриб, Унга бўйсунамиз.

Масиҳга эргашишда босиладиган учинчи қадам нимадан иборат?

1. Гуноҳдан юз ўгириш.
2. Масиҳга эргашишнинг баҳосини тушуниб этиш.
3. Масиҳга _____.

17 Шимўн Исо Масиҳга ишонгач, У билан уч йил давом этадиган сафарга йўл олди. У Шоҳи ва Соҳибининг қувончли дамларига ҳам, қайгуларига ҳам шерик бўлди. У Исо хасталарни соғайтиргани ва ҳатто ўликларни тирилтирганини ўз кўзи билан кўрди! У худди Исо сингари одамларни яхши кўришни ўрганди. Исонинг шогирди Шимўн бора-бора Устозига ўхшаш бўлиб ўзгариб борарди. Вақт ўтиб, одамлар уни иккинчи исми билан, Бутрус дея атай бошлади.

Шимўн Бутрус қандай қилиб Исонинг шогирдига айланди? (*тўғри жавобни белгиланг*)

- а) Масиҳга ишониш орқали.
- б) Имон эътиқоди ибодатини такрорлаш орқали.

18 Ўзингизга маълум, шогирд устози қилган ишларни кузатиб, такрорлайди ва ундан ўрганади. Шимўн Бутрус мана шу тарзда Исонинг шогирди бўлди.

Биз ҳам Устозимиз Исонинг ортидан эргаша бошлаганимизда, Унга шогирд бўламиз. Гарчи Уни кўра олмасақда, У қилган нарсаларни такрорлашни ўрганишимиз ва Унга тобора ўхшаш бўлиб ўзгариб боришимиз мумкин. Исога Унинг хизматида ҳамкор бўлиш биз учун ниҳоятда шарафли мартаба.

Масиҳнинг шогирди бўлишда босиладиган учинчи қадам нимадан иборат?
Масиҳга _____.

Тўртинчи қадам: Масиҳнинг жамоатига қўшилиш

19 Шимўн Исонинг чақиравига эргашди ва бу ишда у ёлғиз эмасди. У Масиҳнинг жамоатига қўшилди. Масиҳнинг шогирдлари битта гуруҳ бўлиб яшаб, ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаёт кечиришарди. Бу ҳар хил қабилалардан, жамиятнинг ҳар хил табақаларидан келиб чиққан одамлар эди. Лекин улар бир-бирларини яхши кўришни ўрганганди.



Бу осон кечмаган, албатта. Гоҳида улар ўртасида тортишувлар ҳам бўлиб турган. Шунга қарамай, улар бундай тортишувларни бартараф этишар, бир-бирларини кечиришарди. Шимўн Бутрус билдики, ким Масиҳга тегишли бўлса, Унинг _____ қўшилиши керак.



Ҳар бир имонлининг Масиҳ жамоатига қўшилиши муҳим аҳамият касб этади! Бу ҳақда биз еттинчи дарсда кўпроқ билиб оламиз.

- 20 Исо Масиҳ Шимўн Бутрусни Унга шогирд бўлишга чақирди. Бунинг учун Шимўнга қандай тўртта қадамни босишга тўғри келди?

1. Гуноҳдан _____;
2. Исога эргашишнинг баҳосини _____;
3. Масиҳга _____;
4. Масиҳнинг жамоатига _____.



Демак, бугунги дарснинг шахсан сиз учун моҳияти нимада?

- Эҳтимол, сиз Масиҳга шогирд бўлиб улгургандирсиз.**
Бу ҳолда, мазкур курс сизга Масиҳни таниб билишда ўсиб улғайишга ёрдам беради.
- Эҳтимол, сиз айни дамда Масиҳнинг шогирди бўлишга тайёрлигингизни сезаётгандирсиз.**
Бу ҳолда, мураббийингиз билан юзма-юз гаплашинг ва у сизга бу борада муайян қарор қабул қилишга ёрдам беради.
- Эҳтимол, сиз ушбу муҳим қарор ҳақида ўйлаб кўриш учун кўпроқ вақт ажратишни хоҳларсиз.**
Жуда соз, лекин бу қарорни қабул қилишни узоққа чўзманг, негаки бир кун келиб, қарор қабул қилишга кечикишингиз мумкин. Агар истасангиз, мазкур курсни ўрганишни давом эттиришингиз мумкин, лекин ушбу курс Масиҳнинг шогирди бўлишга қарор қилганингиздан кейингина сизга чиндан ҳам кўпроқ фойда беради.

1-ДАРС. АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ

Бу ҳафта хилват жой топиб, қуйидаги саволлар ҳақида жиддий мулоҳаза қилинг. Сиз Масиҳга эргашганмисиз? Ёки Унинг шогирди бўлишга тайёрмисиз? Ёки бу қарор ҳақида мулоҳаза қилишга кўпроқ вақт ажратишни истайсизми?

Энди, келинг ўтилган материални бошдан кўриб чиқайлик.



1-ДАРС МАЗМУНИ

1. Матто 11:28-оятда Исо Масиҳнинг қандай ажойиб таклифини ёдлаб ўргандингиз? (эслолмасангиз, 1-саволга қаранг)

“ _____ Менинг олдимга келинглар!”

2. Масиҳнинг шогирди бўлиш учун босиш лозим бўлган тўртта қадамни кўрсатинг:

1. _____.
2. Б _____ т _____.
3. М _____ и _____.
4. М _____ ж _____ қ _____.

1-ДАРС. ЖАВОБЛАР

- 1 ҳолдан тойғанлар, оғир юқ остида қолганлар,
- 2 ортимдан юр
- 3 парчани ўқинг
- 4 гуноҳкор инсонман
- 5 ҳар ким ўзи жавоб беради
- 6 Йўқ
- 7 б)
- 8 камтарин Алини
- 9 а) 2-расмдаги одам б) 1-расмдаги одам
- 10 в)
- 11 Гуноҳдан
- 12 баҳосини
- 13 ҳар ким ўзи жавоб беради
- 14 Масиҳ
- 15 қолдириб / эргашдилар
- 16 ишониш
- 17 а)
- 18 ишонишдан
- 19 жамоатига
- 20 1. Воз кечиши 2. Тушуниб етишга 3. ишонишга 4. қўшилишга



2-ДАРС. Масиҳда янги ҳаёт

Масиҳнинг шогирди бўлган одам бу шунчаки имон эътиқод ибодатини эътироф этадиган одам эмас, балки Исо Масиҳда мутлақо янги ҳаётга эга бўлган одамдир!

Янги ҳаёт қуйидагиларни ўз ичига олади:

- A. Шахснинг тубдан янгиланиши;
- B. Янгидан туғилиш;
- C. Янги табиат.

- 1 Келинг, мана шу ажойиб, янги ҳаёт ҳақида Муқаддас Китобда, Бутруснинг биринчи мактуби ёки қисқача айтганда, 1-Бутруса нима дейилганини кўрайлик. Шимён Бутрус ҳақида биз биринчи дарсдан ўқиб билиб олдик. Бутрус ушбу мактубни Худонинг бошқаруви остида ёзган. Мактуб шундай сўзлар билан бошланади:

“Исо Масиҳнинг ҳаворийси мен — Бутрусадан”

(1-Бутрус 1:1).

Бутрус ўзини қандай атайди? (*тўғри жавобни белгиланг*)

- а) шогирд б) ҳаворий в) пайғамбар

- 2 Муқаддас Китобда “ҳаворий” сўзи маҳсус топшириқ билан юборилган одамни англатади (бу муқаддас битикларни олган одам эмас). Раббимиз Исо ўн икки кишини танлаб олди, уларга таълим берди ва сўнг уларни маҳсус топшириқ билан хизматга юборди. Шунинг учун ҳам улар “ҳаворийлар” деб юритилади. Уларга ҳаворий Бутрус бошчилик қилган.

Биз ушбу курс давомида Худонинг Каломидан қайси қисмни ўрганамиз?

Ҳаворий _____ биринчи мактубини

- 3 1-Бутруснинг биринчи ояти бизга ушбу мактубнинг Худо бошчилигида ким томонидан баён этилганини кўрсатади. Шунингдек, бу ерда мактубнинг кимга йўллангани ҳам кўрсатилган. Бу Масиҳга эргашган одамлар бўлиб, улар бугунги кунда Туркия давлати жойлашган ҳудудда истиқомат қилган. Мазкур оятда Бутрус уларни “танланган халқ” деб атайди.

➤ **Бир муддат тўхтаб, Худога бизни танлаб олгани учун раҳмат айтинг!**

4. Ўша оятнинг ўзида Бутрус уларни “мусоғир” деб атайди. Эҳтимол, сиз ватанингиздан йироқда яшаётгандирсиз, ё бўлмаса, ватанингизда яшаб келсангизда, оиласиз сизни рад этгани учун, эндиликда оиласиздан ажралиб қолгандирсиз. Буни бошдан ўтказиш осон эмас!

Шунга қарамай, биз Худо учун киммиз? Унинг _____.



А) Янги шахс сифатида мансублигимиз

- 5 Ҳақиқатан ҳам, биз “Худонинг танланган ҳалқимиз”! Атрофимиздаги эски яқинларимиз бизни рад этган тақдирда ҳам, “Худо биз томонда экан, ҳеч ким бизга қарши тура олмайди! ... Худонинг танлаганларини ким айблай оларди?!” (Рим. 8:31,33) “Шундай экан, наҳотки Худо туну қун илтижо қилаётган Ўз танлаганларини ҳимоя қилмаса?!” (Луқо 18:7)

Масиҳнинг шогирдлари сифатида биз ким бўламиз? (*тўғри жавобни белгиланг*)

- а) Худонинг танланган ҳалқи;
- б) ғайридин одамлар;
- в) муртад одамлар.

- 6 Кейинги оятда “Отамиз Худо азалда қарор қилиб, сизларни танлаган эди”, дейилган (1 Бутрус 1:16-2).

Ота-онасини йўқотган бола ҳақида ҳикоя. Етим қолган болани бир эр хотин асраб олибди. Уни тарбия қилиб ўстирибди. Орадан вақт ўтиб, бир куни кўча-куйдаги болалар бу боланинг асраб олинганини айтиб, уни камситишибди. Шунда бола уларга жавоб бериб дебди: “Йўқ, назаримда сизларга эмас, айнан менга қўпроқ иззат-эҳтиром кўрсатилган. Қайси бирингизни отангиз танлаб олди? Мени эса отам ўзиники қилиб, танлаб олган!

Худонинг танлангани бўлиш нақадар шарафли! Биз бунга яхши амалларимиз билан эришдик десак, тўғри бўладими?

[Ҳа / Йўқ]

- 7 Худо бизни севгани учун танлаб олди, Худонинг севгисига лойик бўлганимиз учун эмас. Биз Исо Масиҳ воситасида Худога эргашишга бел боғлаганимиз ҳам чин ҳақиқатдир. Қандайдир йўл билан Худонинг танлови бизнинг Унга эргашиш истагимиз билан уйғунлашиб, самара беради.

Масиҳда янги шахс сифатида мансублигимиз нимадан иборат? Худонинг

Б) Бизнинг янги ҳаётимиз

- 8 Чувалчанг билан капалак қурти ўртасида қандай фарқ борлиги сизга маълум. Гарчи улар жуда ўхшаш бўлсада, барибир бир-биридан кескин ажralиб туради. Чувалчанг умри бўйи заррача ҳам ўзгармайди, ўрмалаб юраверади. Капалак қурти эса ажойиб ўзгаришларни бошдан кечиради. Капалак қурти ўлмайди, балки _____ айланади. (*расмга қаранг*)



- 9 Баргда ўрмалаб юришдан бошқасига ярамаган, кўримсиз капалак қуртининг чиройли капалакка айланиб, ҳавода парвоз қилиши ажабланарли эмасми? Худдики “янги ҳаётга” ўтиб, янги ижод бўлганидек.

Капалак қуртида қандай ўзгаришлар рўй беради?
У ўзига хос “янги _____” ўтиш жараёнини”
бошдан кечиради.



- 10 Сиз Исо Масиҳга эргашдингизми? Ойнага қараганингизда сиз худди аввалги одамни кўрасиз, бироқ бу шунчаки ташқи кўриниш бўлади. Аслида сизда жуда катта ўзгариш рўй берган, буни худди капалак қуртининг капалакка айланиши жараёнига қиёслаш мумкин. Масиҳ воситасида рўй берадиган бу ажойиб ўзгариш “янги ҳаёт” деб аталади.

Ким мана шу ҳаётга эга бўлади? (битта жавобни белгиланг)

- а) мамлакатимизда истиқомат қилган барча фуқаролар;
- б) Масиҳга шахсан ишонган ва Унга эргашган барча одамлар;
- в) масиҳийлар оиласида туғилган барча одамлар.

- 11 1 Бутрус мактубининг навбатдаги оятида мана шу янги ҳаёт ҳақида шундай дейилади:

Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси Худога ҳамду санолар бўлсин! У бизга беҳад раҳм-шафқат кўрсатиб, янги ҳаёт берди. Исо Масиҳ ўликдан тирилиб, барҳаёт бўлгани учун энди бизнинг умидимиз бор.

(1 Бутрус 1:3)

Ушбу оятга кўра, бизга бу янги ҳаётни ким берди?

- а) Худо, беҳад раҳм-шафқат кўрсатиб;
- б) биз бунга хайрли ишларимиз билан ўзимиз эришдик;
- в) авлиё одам биз учун ибодат қилиб, бизни бунга эриштирди.

Сиз-чи, бу Янги Ҳаётга эга бўлдингизми?

- 12 Худо бу янги ҳаётни барчага таклиф қилади, бироқ ҳамма ҳам уни қабул қиласвермайди.

Расмда шифокор учта беморга нима дегани ва улар бунга қандай жавоб берганларини ўқинг:





А, Б ва В бандлари остида кўрсатилган учала bemордан қайси бири соғайиб кетади? _____

13 Худди шу тарзда, қуйида кўрсатилган учала одамдан қайси бири Масиҳда бериладиган янги ҳаётни қабул қиласди? (битта вариантни белгиланг)

- а) "О, Масих, Сен ўргатган таълимотга ишонаман, бироқ Сени ҳаётимга қабул қилишга кўрқаман" – деган одам.
- б) "Сенга ишонмайман" – деган одам.
- в) "Раббий Исо, мен Сенга ишонаман. Ўзимни Сенга ишониб топшираман. Ҳаётимга кириб кел, ёлвораман!" – деган одам.



Сизнинг ҳолатингиз А, Б ва В вариантлардан қайси бирига яқин? Агар ҳали ўзингизни Исо Масиҳга ишониб топширмаган бўлсангиз, бу борада мураббийингиз билан юзма-юз гаплашиб олишингизни сўраймиз. Ушбу курснинг қолган қисми Масиҳни қабул қилганларга мўлжалланган.

В) Бизнинг янги табиатимиз

14 Биз Масиҳнинг шогирдлари сифатида "янги шахс бўлиб шаклланиш" ва "янги ҳаёт" ҳақида билиб олдик. Шунингдек, Исо Масиҳ бизга янги табиат ҳам беради, бу аслида Унинг бизда жо бўладиган табиати.

Келиб чиқиши худди сизницидай бўлган жуда кўп одамлар Масиҳнинг шогирдлари қаторига қўшилишган. Мана шундай одамларнинг айримлари Масиҳ уларнинг ҳаётида қилган ижобий ўзгаришлар ҳақида гувоҳлик бериб, шундай ёзади:



Самад: “Масиҳда кечирилган ҳаёт қувонч ва руҳий қониқиши олиб келади” .

Рустам: “Исо менга қувонч ва тинчлик берди”.

Сабина: “Юрагимдаги бесаранжомлик ва хавотирлар йўқолди”.

Заура: “Оғир юқдан ва қўрқувдан халос бўлдим”.

Дина: “Худо мени боримча қабул қилишини биламан”.

Армон: “Ўтмишим зулматда ўтган: ичкилик, аёллар, гуноҳ ҳаётимни эгаллаб келар эди. Эндиликда ҳаётимга ёруғлик кириб келди, бояги иллатлар ўрнини севинч ва тинчлик эгаллади”.

(Ральф Уоттоннинг “Исо – пайғамбардан буюк” китобидан)

Буларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда бор одамлар. Уларнинг ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди? (битта вариантни белгиланг)

- ___ а) Исо Масиҳ уларга янги табиат берди ва бу билан бирга кўп ижобий ўзгаришлар киритди;
- ___ б) Уларнинг ҳаёти аввалгидан кўра ёмонлашди;
- ___ в) Уларнинг эски табиатида ҳеч нарса ўзгармади.

15 Исо Масиҳ Унга эргашган бу каби шогирдларининг ҳаммасига Ўзининг янги табиатини ато қилади. Худди улар сингари, биз ҳам янги қувонч ҳиссини, Худо берадиган тинчликни бошдан кечиришимиз мумкин. Бироқ бу ерда энг муҳими бизнинг ҳис – кечинмаларимиз эмас. Энг муҳими – бу Исонинг характеримизда қиласиган ўзгаришлариdir. Қуйида ҳаётдан олинган бир нечта мисол келтирамиз:

Пўлат: “Исо менга тамаки чекиш одатидан озод бўлишга ёрдам берди”.

Носир: “Исо менинг одамларга бўлган эски, мағрур муносабатимни ўзгартирди”.

Руслан: “Дудукланиб гапирап эдим, норасолик ҳисси мени қийнарди. Мен буларнинг ҳаммасидан озод бўлдим”.

Рашид: “Тўполончилик қилмай қўйдим”.

Замира: “Бошқа одамларга бўлган қизиқишлирим ғоят ортди”.

Зарина: “Ҳаётимда мағрурлик ва худбинликнинг ўрнини Худога хизмат қилиш руҳи эгаллади”.

Фотима: “Бизнесда Раббимга иш тутишни ўргандим ва энди ҳалол меҳнат қиляпман”.

Марям: “Бошқа одамлар Масиҳнинг мукаммал севгисини таниб-билишлари учун хизмат қилишни истайман”.

(Ральф Уоттоннинг “Исо – пайғамбардан буюк” китобидан)



Масиҳ шахсий ҳаётингизга қандай кўринарли ўзгаришлар олиб келди? Ўз мулоҳазаларингизни ёзинг ва бу ҳақда муҳокама вақтида бўлишишга тайёр бўлинг:

- 16 Агар юқорида санаб ўтилган барча ўзгаришларни ҳали ҳис қилмаган бўлсангиз, ташвишланманг. Масиҳда ўсиб борар экансиз, улар аста-секин сизнинг ҳам ҳаётингизда кўриниш беради. Бола катта бўлиши учун кўп йиллар керак бўлгани каби, одамнинг руҳан етуқ масиҳий бўлиб етишиши учун ҳам “янги ҳаётга” эга бўлганидан кейин узоқ йиллар талаб этилади.

Бироқ, Исо Масиҳ юрагингизда яшар экан, сиз ўзингизда кимнинг “табиатини” тобора кўпроқ сезиб борасиз?

- а) эски гуноҳкор табиатни;
- б) Масиҳда янгилangan янги табиатни.

Бизнинг руҳий курашимиз

- 17 Гарчи Исо Масиҳда янги табиатга бурканган бўлсақда, биз шу билан бирга эски табиатимиз билан руҳан кураш олиб боришимиз лозим. Бу кураш ҳар куни, то умримиз охиригача давом этади.

Худонинг Каломи бизга шундай буюради:

“Энди эса жаҳл, ғазаб, ёвузликларнинг ҳаммасини бир четга йиғишириб қўйинглар. Оғзингиздан ҳеч қандай жеркиш ёки ножӯя сўз чиқмасин. Бир-бирингизга ёлғон гапирманглар. Чунки сизлар эски табиатингизни, унинг ёмон одатлари билан бирга ўзингиздан соқит қилдингизлар. Бунинг ўрнига сиз янги табиатга буркандингиз. Сизлар Худони яқинроқ билиб бораркансиз, сизнинг янги табиатингиз уни яратган Худонинг суратига ўхшаб бормоқда”

(Колосаликларга 3:8-10).

Ушбу оятларга кўра (*тўғри жавобларни белгиланг*)

- а) Биз қандай табиатни ўзимииздан соқит қилдик?

[эски табиатимизни/ янги табиатни]

- б) Биз қандай табиатга буркандик?

[эски табиатга/ янги табиатга]

- 18 Қўйида келтирилган расмларда ҳар хил ҳаракатларни амалга ошираётган масиҳийлар кўрсатилган. Ҳар бир банд қаршисига кишининг қандай табиат йўриғида иш тутаётганига қараб, бунинг “эски” ёки “янги” табиат эканлигини белгиланг:





“Энди одамларга бўлган меҳрим янада ортди”.

“Келинг, сизга ёрдам берайин!”

“Ичкиликни ташлолмайман”

“Эй, овсар хотин! Яна овқатингнинг таги олибди-ку!”



“А” бандида –
табиат;

“Б” бандида –
табиат;

“В” бандида –
табиат;

“Г” бандида –
табиат;

19 Янги табиатимиз аслида юрагимизга солинган Исонинг табиати бўлиб, у ҳар куни бизнинг эски, гуноҳли табиатимиз билан кураш олиб боради. Бир оддий чўпон бу курашни таърифлаб, шундай деди: “Ҳаётимда икки эчки сузишаётгандек ўзимни ҳис қиласман. Уларнинг бири оқ, бошқаси – қора”. “Хўп, қайси эчки енгади?” – деган саволга эса: “Қайси бирига жонбозлик қилсангиз, қайсисини боқсангиз, шуниси-да!” – жавоб берди у.

➤ Чўпон айтган масал ҳақида мулоҳаза қилиб кўринг. Қора эчки бизнинг эски табиатимизни англатади, оқи эса – янги табиатимизни. Айни кунларда ҳаётингизда қайси эчки енгиб боряпти? Нимага? Буни мухокама қилишга тайёр бўлинг.



Келинг, бугунги дарсимииздан Масиҳда қандай буюк имтиёзларга эга бўлганимизни ёдлаб олайлик:

- Худонинг танланганлари сифатида янги мансубликка эга бўлдик;
- Худди капалак қурти капалакка айланиши сингари, биз ҳам янги ҳаётга эга бўлдик;
- Масиҳ воситасида бизнинг янги табиатимиз астасекин эски, гуноҳкор табиатимизнинг ўрнини эгаллаб бормоқда.



20 Худонинг Каломидан қуийдаги оят бугун ўрганганларимизни умумлаштиради:

“Бинобарин, ким Масиҳга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Эски ҳаёт ўтиб кетди, янгиси эса бошланди”

(2 Коринфликларга 5:17).

Бўш жойларни тўлдиринг ва ушбу оятни то ёдлаб олмагунингизга қадар ўқиб такрорланг:

“Бинобарин, ким _____ тегишли бўлса, у _____
ижоддир. _____ ҳаёт ўтиб кетди, _____ эса
бошланди”. (2 Коринфликларга 5:17)

Энди қуийдаги сўзлар билан ибодат қилинг:

**“Парвардигор, буюк илтифотинг билан Сен бизни
танланган халқ қилиб бу дунёдан ажратиб
олдинг. Раҳмат Сенга! Менга янги ҳаёт ва янги
табиат берганинг учун ҳам раҳмат. Масиҳнинг
қудрати билан ҳаётимнинг ҳар бир қунида, эски,
гуноҳли табиатимга қарши руҳий курашда менга
мадад бер. Омин”.**



2-ДАРС. АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ

Рўйхат тузинг ва унда янги табиатга эга бўлганингиз туфайли ҳаётингизда рўй берган учта ижобий ўзгаришни кўрсатинг. Мана шу ўзгаришлар учун Худога раҳмат айтинг. Шу билан бирга эски табиатингизга хос бўлган ва ҳозирга қадар ҳаётингиздан жой олиб келаётган учта одатни кўрсатинг. Бу ҳафта Худонинг ёрдами билан мана шу ёмон одатларингизга қарши курашинг.

2-ДАРС МАЗМУНИ

1 а) Одам Масиҳга ишонгандан у билан нима юз беради?

Унинг ҳаёти _____

б) Масиҳнинг шогирдлари сифатида биз қандай янги мансубликка эга бўламиз? Худонинг _____

2 Биздаги [эски /янги] гуноҳли табиат Масиҳда бериладиган [эски /янги] табиат билан руҳий кураш олиб боради. (нотўғри жавобларни ўчиринг)

3 Исо Масиҳ Ўз издошларининг ҳаётида қиласидаган ўзгаришлардан иккитасини мисол қилиб келтиринг. (агар келтиролмасангиз, 11 – 12 саволларга қаранг):



4 2 Коринфликларга 5:17- оятни ёд олиб, унда бўш қолдирилган жойларни тўлдиринг::

“Бинобарин, ким _____ тегишли бўлса, у _____ ижоддир.
_____ ҳаёт ўтиб кетди, _____ эса бошланди”.

2-ДАРС. ЖАВОБЛАР

1. б)
2. Бутруснинг
3. ҳар ким ўзи жавоб беради
4. танланган халқи
5. а)
6. Йўқ (агар бунга ишончингиз тўлиқ бўлмаса, бу ҳақида мураббийингиз билан гаплашиб кўринг)
7. танланган халқи бўлганимизни
8. капалакка
9. ҳаётга
10. б)
11. а)
12. в)
13. в)
14. а)
15. муҳокамага тайёр бўлинг
16. б)
17. а) эски табиатимизни б) янги табиатга
18. а) янги б) янги в) эски г) эски
19. муҳокамага тайёр бўлинг
20. оятни ёд олинг

